



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 24 март, № 56 (9227)

Сешанба Сайтимига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 23 март куни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган устувор умуммиллий лойиҳалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Атмосфера ҳавосининг сифатини яхшилаш, шаҳар ва ҳудудларда яшил майдонларни кенгайтириш, экологик таълим ва маданиятни юксалтириш, шунингдек, чўлланишга қарши курашининг илмий ва амалий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар кўриб чиқилди.

Аввало, “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳаси доирасида режалаштирилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Тошкент шаҳрида ҳавонинг ифлосланиш даражаси белгиланган меъёрдан юқори бўлиши кузатилаётган. Бу Навоий, Фарғона, Чирчиқ ва Термиз шаҳарларида ҳам қайд этилмоқда. Ҳаво ифлосланишининг асосий омиллари сифатида саноатнинг ўсиши, углерод ёқилғиларидан кенг фойдаланиш, транспорт воситалари сонининг кўпайиши, табиий омиллар ва назоратнинг етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан 2030 йилга қадар атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини қисқартириш, саноат объектларида ташламаларни ушлаб қолиш улушини ошириш, транспортдан чиқадиган зарарли моддаларни камайтириш ҳамда “PM2,5” бўйича меъёрдан ошиб қузатиладиган кўнлар сонини пасайтириш асосий мақсадлар этиб белгиланган.

Амалга оширилган тезкор чоралар натижасида Тошкент шаҳрида ҳаво сифати муайян даражада яхшилانган. Жумладан, 2026 йил январь-февраль ойларида “PM2,5” концентрацияси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли пасайган. Энди бу йўналишда ҳудудий дастурлар босқичма-босқич қабул қилиниб, ҳар бир вилоятда таҳлил ва диагностика, ягона ҳаво мониторинги ҳамда ифлосланиш манбаларини инвентаризация қилиш ишлари ташкил этилади.

“Тоза ҳаво” лойиҳасида энергетика ва саноат тармоқларига алоҳида эътибор қаратилган. Махсулотнинг маълум қисмини муқобил энергия ҳисобига ишлаб чиқарадиган корхоналарга солиқ имтиёзлари ва молиявий рағбатлар бериш, автоматик мониторинг станциялари, филтратлар, чанг-газ тозалаш ҳамда энергия самарадор уску-

наларни кенг жорий этиш кўзда тутилган. Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудлардаги саноат корхоналарида мажбурий автоматик мониторинг постлари ўрнатилиб, уларнинг маълумотлари ягона геоахборот тизимига интеграция қилинади. Бундай талабларга амал қилмаган субъектлар учун компенсация тўловлари кескин оширилади.

Курилиш соҳасида ҳам экологик талаблар кучайтирилади. Янги куриладиган йирик объектларни лойиҳалаштиришда кўкаламзорлаштириш даражасини ошириш, курилиш материалларини ёпиқ шароитда сақлаш, чиқиндиларни махсус қувур ва контейнерлар орқали тушириш, майдонларни ҳимоя тўсиқлари билан ўраш, он-лайн кузатув камераларини ўрнатиш каби талаблар белгиланмоқда.

Шунингдек, “шамол йўлақлари”ни сақлаш, экологик экспертиза хулосасини курилиш жараёнида мажбурий ҳисобга олиш, шаҳарнинг экологик ва сув ресурсларини бошқариш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Табиий чанг омилларини камайтириш бўйича ҳам аниқ чоралар белгиланган. Тошкент шаҳри атрофида “яшил белбоғ” барпо этиш, Сурхондарё ва Сирдарёда чанг бўронларининг олдини олиш учун “яшил девор”лар ташкил қилиш, сунъий кўллар ҳамда сув ҳавзаларини барпо этиш, пойтахт туманларида фаввораларнинг сонини кўпайтириш, барглари компост ва мўлча сифатида қайта ишлаш амалиётини йўлга қўйиш шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси ҳаво таркибининг чанг зарарчаларини камайтириш ва шаҳар муҳитини соғломлаштиришга хизмат қилади.

Транспорт соҳасида ҳавони муҳофаза қилиш бўйича алоҳида йўналишлар ҳам белгиланган. Мотор ёнилғиси стандартларини босқичма-босқич кучайтириш, автотранспорт воситаларини “қизил”, “сарик” ва “яшил” стикерларни берган ҳолда экологик тоифаларга ажратиш, техник кўришни экологик талаблар билан боғлаш, эски автотранспортни янгилаш дастурларини амалга ошириш, жамоат транспорти улушини кўпайтириш назарда тутилмоқда. Бу орқали йўл ҳаракати билан

боғлиқ ифлосланиш ҳажмини қисқартириш, айниқса, йирик шаҳарлар марказида ҳаво сифодини яхшилаш мақсад қилинган.

“Тоза ҳаво” лойиҳасининг муҳим таркибий қисми сифатида иссиқхоналар масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида иссиқхона ҳўжаликлари жуда кўп, улар орасида иситиш манбалари сифатида кўмир, мазут ва ностандарт ёқилғидан фойдаланувчи иссиқхоналар улуши ҳам юқори, улар чиқараётган “NO2”, “SO2” ва “PM2,5” каби хавфли моддалар ҳаво сифатига жиддий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Қолаверса, Тошкент ҳудудида ийлик кўёш нурланиши қолган ҳудудларга қараганда нисбатан паст бўлгани сабабли бу ерда иссиқхонада махсулот етиштириш харажати анча баланд. Масалан, январь ойида Тошкентда ўртача ҳарорат Цельсий бўйича 6 даража иссиқ бўлса, Термизда 10,8 даража иссиқ. 1 тонна иссиқхона махсулотини етиштириш харажати Тошкент вилоятида 11,9 миллион сўмини, Сурхондарёда эса 4,9 миллион сўмини ташкил этади.

Махсулотларни инсоляция даражаси юқори бўлган ҳудудларда етиштириш иссиқхона ҳўжаликларининг молиявий ҳолати учун ҳам, ички бозордаги нарх барқарорлиги нуқтаи назардан ҳам манфаатли ҳисобланади. Шу боис Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудлардаги иссиқхоналарни энергия тежамкор ва табиий-иклим шароити кўлай бўлган ҳудудларга босқичма-босқич кўчириш тақлифи билдирилди. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида камида 940 гектар майдонда агропарк ташкил этиш режалаштирилган. Бу ҳудудда кўёш нурланиши юқори, қиш нисбатан юмшоқ, иситиш харажатлари анча паст бўлиб, бу махсулот таннархини кескин тушириш имконини беради.

2026 йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда янги иссиқхона ташкил этишни чеклаш, шу билан бирга, кўчирилаётган ҳўжаликларга инфратузилма, кредит ва логистика бўйича имтиёзлар бериш назарда тутилмоқда.

Тақдимотда “Яшил макон” доирасида ботаника ва дендрология боғлари

концепцияси юзасидан ахборот берилди. Қайд этилганидек, ботаника боғлари маҳаллий ва хорижий ўсимликларни ўрганиш, сақлаш, кўпайтириш ва намойиш этишга хизмат қилса, дендрология боғлари дарахт ва бутта турларини интродукция қилиш, акклиматизация қилиш ва илмий асосда парваришлаганга иктисослаштирилган ҳудудлар ҳисобланади. Концепцияга кўра, ботаника боғларида турли флористик экспозициялар, оранжерея, кўчатхона, кўл, ички йўлақлар, беседка ва гулхона каби объектлар жойлаштирилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 3 та ботаника боғи мавжуд бўлса, лойиҳа доирасида яна 12 та ботаника ва 16 та дендрология боғини ташкил этиш режалаштирилган. Бу жараёнда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иклим шароити ҳисобга олиниб, мос дарахт ва бутталар танланади.

2028 йилга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида майдони 100 гектардан кам бўлмаган ботаника ва дендрология боғларини ташкил этиш режа қилинган. Натيجада 2030 йилгача мамлакатда умумий яшиллик даражасини 14,2 фоиздан 30 фоизгача ошириш, “PM2,5” ва “PM10” концентрациясини 20 — 25 фоизга камайтириш, иклими оғир ҳудудларда ҳаво ҳароратини ўртача 1,5-2 даражага пасайтириш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, пойтахтда Миллий дендрология боғини барпо этиш концепцияси ҳам тақдимот қилинди. Ушбу йирик яшил ҳудуднинг умумий майдони 108 гектарни ташкил этиши белгиланган. Лойиҳа доирасида 50 минг туп дарахт кўчати ва 100 минг туп бутта ўсимликлари экилиши назарда тутилган. Парк биологик хилмаҳилликни сақлаш, ҳаво сифатини яхшилаш, углерод ютилишини ошириш, илмий-тадқиқот ва селекция ишларини йўлга қўйиш, шунингдек, шаҳар микроклиминини соғломлаштиришга хизмат қилади. Боғ ҳаво ҳароратини 2 — 4 даражага пасайтириб, намликни 10 — 15 фоизга ошириши мумкин.

Миллий дендрология боғи фақат кўкаламзор ҳудуд эмас, балки илмий, маърифий ва жамоат макони сифатида ҳам шакллантирилади. Унда “Дунё даракхталари” ҳудуди, 6 та иклим мин-

тақасига хос ўсимликлар коллекцияси, мевали ва маҳаллий дарахтзорлар, доривор ўсимликлар боғи, оранжерея, гулзорлар, дам олиш майдонлари, пидедалар ва велосипед йўлақлари, автотураргоҳ, ташриф буюрувчиларни кўтиб олиш майдони барпо этилади.

Боғнинг марказий қисмида 1 гектарлик сунъий кўл ва унинг атрофида сакура боғи ташкил қилиш режалаштирилган. Парк инфратузилмасида кўёш панеллари, қайта ишланган материаллардан тайёрланган ўриндик ва “беседка”лар, автоматлаштирилган томчилатиб сугориш тизими каби замонавий экологик технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган. Бу ер Марказий Осиё атроф-муҳит ва иклим ўзгариши университети (“Green University”) учун табиий лаборатория, аҳоли учун эса биотуризм ва экоаъалим маркази айланади.

“Экомданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботи бир-бирига боғланган ҳолда янги тизим яратиш режалаштирилган.

Мазкур соҳада халқаро стандартларга мос мутахассислар етишмаётгани, аҳоли ўртасида экологик онг ва барқарор одатлар ҳали етарли даражада шаклланмагани, инновация ва иклим технологияларини амалиётга жорий қила оладиган кадрлар тақлиллиги мавжудлиги қайд этилди. Шу муносабат билан 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб 14 та ҳудудда “яшил техникумлар” ташкил этилиб, улар “Green University” тизимига академик ҳамкорлик асосида бириктирилади.

Лойиҳага кўра, тайёрланадиган ўқувчи ва талабалар сони йил сайин оширилиб, 2028/2029 ўқув йилига бориб, 10 минг нафарга етказилади. Бакалаврият ва магистратурада атроф-муҳит ва барқарор бошқарув, “яшил” иктисодиёт, атроф-муҳит муҳандислиги, иклим ўзгариши, чўлланишга қарши курашиш, барқарор шаҳарсозлик, барқарор энергия алмашинуви каби янги йўналишлар очилади. Таълим жараёнида дуал тизим жорий қилиниб, назарий билим билан амалиёт уйғунлаштирилади. Университет таълим тизимини ривожлантириш, илмий-инновацион лойиҳалар ва тарғибот ишлари

учун катта миқдорда маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Аҳоли орасида экологик маданиятни ошириш учун “10 минг қадам пийда” ташаббусини тиклаш, “Соғлом турмуш тарзи” платформасини ишга тушириш, шунингдек, Самарқанд шаҳрида “GEF-8” ассамблеяси ва “Есо Expo Central Asia 2026” халқаро кўргазмасини ўтказиш режалаштирилган.

Тақдимотда чўлланишга қарши кураш стратегияси лойиҳаси ҳам алоҳида кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон ҳудудининг 70 фоизи арид зонадан иборат бўлиб, ерларнинг 70 фоиздан ортиги деградацияга учраган. Ер ресурсларининг ёмонлашуви иктисодиётга ҳар йили 830 миллион доллар зарар келтирмоқда. Орол денгизининг қуриши натижасида 3 миллион гектар майдон яроқсиз ҳолга келган ва ҳудуднинг 56 фоизи шамол эрозияси таъсири остида қолган.

Шу муносабат билан “Green University” ҳузурида минтақавий қўшма илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тақлиф қилинди. Ушбу марказ чўлланишни бошқариш бўйича Марказий Осиёдаги биринчи илмий хабга айланиши кўзда тутилмоқда. Марказ таркибида 15 та иктисослаштирилган лаборатория фаолият юритади, спутник маълумотлари, “GIS” ва массафадан зондлаш технологиялари асосида ерлар ҳолатини рақамли мониторинг қилиш йўлга қўйилади, қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар бўйича генетик банк шакллантирилади, тупроқнинг кимёвий ва физик таҳлил тизими тақомиллаштирилади. Бунинг натижасида чўлланишни прогноз қилиш ва хариталаш миллий тизими яратилади, Оролбўйи ва қурғоқ ҳудудларда яшил қоплама кенгайтирилади, ялловлардан барқарор фойдаланиш ҳамда чўл иктисодиёти моделири жорий этилади.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган лойиҳаларнинг экологик барқарорлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, шаҳар ва қишлоқ муҳитини янада қулайлаштириш, шунингдек, ушбу соҳада илм-фан ҳамда замонавий технологияларни кенг жорий этишдаги муҳим аҳамиятини қайд этиб, уларни маъқуллади.

Ў.А.

Муносабат

УЛУҒЛАР ЮРТИГА УЛУҒВОРЛИК ЯРАШАДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев гоёси ва ташаббуси асосида Самарқанд вилоятининг Пайарик туманида янгидан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуасини кўрган ҳар қандай киши улуглар юртига улугворлик ярашади деган эзгу нақл замирида гоёт чуқур ҳаётий ҳақиқат борлигига яна бир бор амин бўлади.

Дарҳақиқат, биз бугун яшаётган саховатли замин асрлар давомида инсониятга не-не алломаларни тақ-

дим этганини яхши биламиз, дунё афқор оммаси ҳам эътироф қилади. Ҳозирги замон кишиси учун од-

дий кўринган кўпгаб ҳаётий зарур ашё ва тамойиллар негизида аслида катта кашфиётлар, илмий жасорат намуналари ётиши ҳам айна ҳақиқат. Лекин бугун оддий нарсалар ҳисобланмиш ана шу илмий мўъжизаларни ўша даврларда инсоният истифодасига ҳавола этмоқ

учун қанча кўз нури тўқилгани, қанча-қанча уйқусиз туңлар ўтказилгани, ижоднинг қандай оғир изтироблари чекилгани, бир сўз билан айтганда, мислсиз ақлий риёзат синовларидан ўтилганини фақат кашшофларнинг — олим улло-маларимизнинг ўзлари билади. ➡

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ШЕЪРИЯТ

Дўрмон ижод уйи ҳудудида Абдулла Орипов уй-музейи очилди

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида маънавий ҳаётни юксалтириш, айниқса, ёшлар онгу қалбида ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, миллий қадриятларга садоқат ва фидойилик туйғуларини мустаҳкамлаш устувор вазифага айланмоқда. Бу эзгу мақсадларга эришишда адабиётнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс экани алоҳида эътироф этилмоқда. Шу боис юртимизда адабиётни ривожлантириш, ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-

қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун ижодкорларга бўлган юксак эҳтиром амалда ўз ифодасини топмоқда: улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда, ижод учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу билан бирга, ҳаётини адабиёт ва маърифатга бағишлаган шоир ва ёзувчилар, адабиётшуно олимларнинг ёрқин хотираси абадийлаштирилиб, уларнинг бой илмий-ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кейинги йилларда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов хотирасини улуғлаш, унинг бебаҳо адабий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилади. Хусусан, Қашқадарё вилоятида шоир номидаги ижод мактаби ва мемориал музей барпо қилинди. Қарши шаҳрида қад кўтарган мазкур таълим маскани атрофидаги кўчага Абдулла Орипов номи берилди. ➡



ТАБИАТ УЙҒОНИШИ ВА РУҲИЙ ПОКЛАНИШ РАМЗИ

Баҳор нафаси уфурган шу муборак кунларда атроф-жавониб яна бир бор янгидан тугилгандек, гўё. Табиат уйғониши билан бирга инсон қалбида ҳам эзгулик, шукроналик ва покланиш туйғулари жўш уради. Бу йилги Наврўз эса ана шу маъноларни янада теранлаштириб, муборак Рамазон хайити билан уйғун тарзда келгани алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис айём нафақат миллий байрам, балки бутун жамиятни бирлаштирувчи, инсон қадрини улуғловчи маънавий ҳодисага айланди.

Шуқуҳ

“Янги Ўзбекистон” боғида ўтказилган тантаналарда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халққимизни Наврўзи олам билан самимий табриқлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бу кутлуг кунларни табиат уйғониши ва руҳий покланиш рами сифатида таърифлаб, уларнинг эзгулик, бирдамлик ва хайр-саховат гоёларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилги тадбирлар унинг бош гоёси — “Наврўзни улуғлаш — инсонни улуғлашдир!” деган эзгу тамойилга гоёт ҳамоҳангдир. Бутун юртимиз бўйлаб нишонланаётган байрам шодиевларида бу яққол ифодасини топмоқда. ➡



Учрашув



Қўшма ташаббусларни амалга оширишга келишиб олинди

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Орзулгул Қозихонова БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси Андрей Ханжин билан учрашди.

Унда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотининг 2026 йилдаги фаолияти, шунингдек, "Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик" кун тартибига доирасида режалаштирилган тадбирлар муҳокама қилинди.

Сўбат чоғида гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг жамият ҳамда давлат бошқару-

видаги иштирокини кенгайтириш, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустақамлашда хотин-қизларнинг ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда ҳамкорликни янада ривожлантириш, тажриба алмашиш ва қўшма ташаббусларни амалга ошириш бўйича яқдил фикр билдирилди.

Тадбир

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН БАЙРАМ

Юртимизда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан жойларда кенг қўлланма маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги "Қашгар" МФЙ ҳудудида Миллий гвардия кўмондонлиги ташаббуси билан "Наврўзни улуғлаш — инсонни улуғлаш" шиори остида ташкил этилган байрам сайлида Олий Мажлис Сенати аъзоси Гулнора Маъруфова, Ёшлар парламенти раиси Лайло Аслонова, шунингдек, маҳаллий ҳокимлик ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўз олган сенатор Наврўз байрамнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, ушбу айём халқимизнинг асрлар давомида шаклланган эзгу қадриятлари, меҳр-оқибат ва бағрикенглик аънаваларини ўзида мужассам этганини таъкидлади.

Ўз навбатида, бундай байрам тадбирлари аҳолининг тур-

ли қатламларини бирлаштириб, жамиятда ижтимоий ҳам-жихатлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустақамлашга хизмат қилаётгани айтилди.

Тадбир доирасида миллий қадриятлар ва аънаваларни тарғиб этувчи кўргазмалар, халқ ўйинлари ва спорт мусобақалари ташкил қилинди. Хусусан, миллий кураш, тош кўтариш ҳамда бошқа этнос-порт турлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, байрам дастур-хони миллий таомлар билан безатилиб, сумалак тайёрлаш аънасида намоиш этилди. Ош танлови доирасида турли ҳудудларга хос миллий таомлар тайёрланди.

Тадбир давомида миллий либослар кўргазмаси, сахнавий чиқишлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари тақдим қилинди.

Ўрганиш

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Яшнобод тумани маҳаллаларида хавфсиз ва барқарор ижтимоий муҳитни шакллантириш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, шунингдек, "яширин иқтисодиёт" улушини қисқартириш ва маънавий коррупция ҳолатларига барҳам беришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий ижросини ўрганди.

Жараёнда маҳалла фуқаролар йиғини, ички ишлар органлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик даражаси, профилактика ишлар самарадорлиги, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими ҳам таҳлил қилинди. Шунингдек, ҳудудда жорий этилаётган замонавий ахборот технологиялари, жумладан, видеокузатув тизимлари ва рақамли назорат механизмларининг жорий қилинишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ тумандаги "Авиасозлар деҳқон бозори" АЖ фаолиятини ҳам атрофича кўздан кеңиб, бозор инфраструктурасини рақамлаштириш, савдо жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, нақд пул айланишини қисқартириш ҳамда солиқ тўшумларини оширишга қаратилган амалий ишларни таҳлил қилди. Жумладан, электрон тўлов тизимларини кенг жорий этиш, савдо жойларини рақамли ҳисобга олиш, тадбиркорлар фаолиятини онлайн мониторинг қилиш орқали "яширин иқтисодиёт"га қарши самарали механизмлар яратиш ишлари ўрганилди.

Шу кунги туманда жойлашган Республика касбий кўникмалар маркази ҳудудида аҳоли иш билан таъминлаш мақсадига бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги 25 та йирик корхона ва ташкилотлар 650 дан ортқ бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шунингдек, тадбирга 9 та тижорат банки жалб қилиниб, аҳолига тадбиркорликни ривожлантириш ва ўзини ўзи банд этиш имкониятлари бўйича тушунтиришлар берилди. 150 дан зиёд ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўрилди. Тижорат банкилари билан ҳамкорликда 5 нафар фуқарога оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида умумий қиймати 73 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш учун аризалар расмийлаштирилди.

Ўрганишлар якунида аҳоли бандлигини таъминлаш, коррупциявий оммиларни қисқартириш ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Фахр

БУЮК АЖДОДЛАР ЗАКОСИГА ЭҲТИРОМ

Самарқандда қад ростлаган Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилган кенг қўлланма бунёдкорлик ишлари Янги Ўзбекистонда муқаддас қадимжоларни обод этиш, тарихий меросни асраш ва уни замонавий талаблар билан уйғунлаштириш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг амалий натижасидир.

Мажмуа ҳудудидаги муҳташам масжид, миллий услубдаги айвонлар, кўркам гўмбаз ва миноралар юртимиз меъморий аънавалари ҳамда замонавий бунёдкорлик имкониятларининг ёрқин ифодаси бўлиб турибди. Шунингдек, бу ерда яратилган туризм инфратузилмаси, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш объекти зияратчилар учун янада қулай шaroитларни таъминлади.

Энг муҳими, илгари бир кунда 12 минг нафар зияратчига хизмат кўрсатган мажмуа бүгун 65 минг нафарга мўҳимно қабул қилиш шaroитига эга бўлди. Бу рақамлар ортда фақат қурилиш ёки инфратузилма эмас, балки инсон қадрли, қулайлик, эътибор ва эҳтиром каби юксак тамойиллар мужассам. Зеро, бу-гунги ислохотларда инсон манфаати ҳамда маънавий эҳтиёжларини таъминлаш устувор ўрин тутмоқда.

Мажмуа таркибиде 9 та павильондан иборат инновацион музейнинг ташкил этилгани алоҳида эътирофга лойиқ. Унда Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати тараққиёти, 25 нафар пайғамбарнинг тарихи, Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ҳаёт йўллари ҳамда ҳадисларнинг жамланши жараёнлари замонавий ахборот технологиялари орқали намоиш этилаётгани бу даргоҳнинг маърифий қийматини янада оширади.

Имом Бухорий ҳазратлари қолдирган бебаҳо мерос асрлар давомида бутун мусулмон олами учун ишончли манба бўлиб келган. Хусусан, у зотнинг "Саҳиҳи Бухорий" асари энг мўтабар олти ҳадис тўплами каторида эътироф этилади. Улуғ аллома номи билан боғлиқ масканининг бу қадар улғувор шаклда қайта барпо қилингани халқимизнинг ўз тарихи ва буюк аждодларига чўқур эҳтиромини кўрсатади.

Айни пайтда маъзур мажмуа ёш авлод учун ҳам улкан ибрат мактабидир. Чунки бу ерда нафақат ислом динининг, балки инсонийликнинг асл моҳияти — илм, одоб, ҳалоллик, сабр, бағрикенглик ва инсонпарварлик гоғялари мужассам.

Президентимизнинг Имом Бухорий мажмуасига қаратаётган доимий эътибори ушбу даргоҳга давлат миқёсидаги юксак муносабатни аңглатади. Бу эътибор натижасида Самарқандда нафақат янги бир меъморий обиде, балки Янги Ўзбекистоннинг маънавий юзи, ислом цивилизациясига ҳурмати ва келажакка қаратилган эътибори қарашлари ифодаси бўлган кутлуг маскан вужудга келди.

Шубҳасиз, бу қадимжо юртимизга ташири буюраётган минглаб инсонлар учун табарруқ зияратгоҳ, ёшлар учун ибрат даргоҳи, халқимизга эса фахр ва айтихор манбаи бўлиб хизмат қилади.

Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси аъзоси.



УЛУҒЛАР ЮРТИГА УЛУҒВОРЛИК ЯРАШАДИ

Мисол учун, Хоразмий бобо жидду жаҳд қилиб араб рақамларини илмий муомалага киритмаганида, башарият яна неча аср давомида римликларнинг рақамлари билан алданиб-ақшашиб, ҳисоб-китобга қийналиб, оқибатда тараққиётни ортга сургандан суравериб юрган бўларди.

Бошқа алломаларимизнинг илмий жасоратлари ва илм-фаннинг олий пештахтасига зарҳал ҳарфлар билан битилган кашфиётларидан ҳам қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин ўйлашмики, шунинг ўзи кифоя. Зеро, ақл эгалари уларни аллақонан ўз тафаккури билан қалбига сингдириб бўлган.

Аждодларимиз жаҳон илм-фани баробарида исломий илмлар ривожига ҳам бекисб ҳисса қўшган. Имом Бухорийнинг шоҳ асари бўлмиш "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" асрлар давомида мусулмон оламида Куръони каримдан кейинги энг ишончли манба сифатида эътироф этиб келинаётганини барчамиз яхши биламиз. Шуни ҳам била-

ўрганиш, кенг жамоатчиликка етказиш, ёш авлодни шу мерос маъно-мазмун оладиган гўзал аънавалар асосида тарбиялаш борасида беъмисл ишлар амалга оширилмоқда. Бир неча йиллардан буён Самарқандда Имом Бухорий, Термизда Имом Термизий, Тошкентда Имом Мотуридидий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мана, Рамазон хайити арафасида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази очилди.

Маъзур илмий-тадқиқот муассасалари буюк муҳаддис ва муфассирлар, калом илми пешволарининг асарларини, уларга бошқа нуфузли уламо-лар битган шарҳларни ўзбек тилига изоҳли таржима қилиб, нашрдан чиқармоқда. Бу фақат исломий илмларни эмас, балки таълим-тарбияни, шунингдек, ватанпарварлик, инсонпар-



бунинг тарбиявий аҳамияти яна бир улкан мулкдир. Мисол келтирайлик. Яхши маълумки, Имом Бухорий болалигида отасидан етим қолиб, онаси тарбияси билан воғяга етган. У аёл эр-калар билан ёнма-ён масжидга бора олмасди, лекин ўғлини эрталаб ибодатга кетаётган одамлар сафига қўшиб юборишдан ҳеч ҳам толмасди. Унинг дуоғўйлиги сабабли ёш Муҳаммадининг ожиз кўзларига яна нур қайтган. Унинг жонқуярлиги туфайли ёш Муҳаммад ҳамма тан оладиган Имом — ҳадис илмининг султони бўлиб етишган, десак, мулобага қилмаган бўламмиз. Ахир ота умри узок бўлган тақдирда ҳам ҳамми фарзанднинг ёнида туролмайди. У турмуш ташвишлари билан эрталаб кетиб, кечқурун қайтадиган раҳнамо. Она эса бола билан доимо бирга. Мана шу мисолнинг ўзи ёш оналаримиз учун катта сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Имом Бухорий ҳақида, унинг асарлари тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Аллоҳ таоло у зотга катта фазл ва шараф ато этган. Илм йўлидаги хизматларининг самараси ўлароқ шухратини бутун дунёга қийёматга етadиган қилиб тарқатган. У зотнинг шаънига айтилган гапларни тўлиқ келтиришнинг сира иложи йўқ. Биз фақат ҳадис илмининг етук олимми Асқалонийнинг "Кейинги асрда яшаб ўтган уламоларнинг Имом Бухорий номига айтган мақтовлари" номли алоҳида боб очсалар варақлар қолмай, сиёҳлар тугаб битар эди. Чунки у соҳили йўқ денгиздир" деган гапини келтириш билан кифояланамиз.

“Имом Бухорий ҳақида, унинг асарлари тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Аллоҳ таоло у зотга катта фазл ва шараф ато этган. Илм йўлидаги хизматларининг самараси ўлароқ шухратини бутун дунёга қийёматга етadиган қилиб тарқатган. У зотнинг шаънига айтилган гапларни тўлиқ келтиришнинг сира иложи йўқ. Биз фақат ҳадис илмининг етук олимми Асқалонийнинг "Кейинги асрда яшаб ўтган уламоларнинг Имом Бухорий номига айтган мақтовлари" номли алоҳида боб очсалар варақлар қолмай, сиёҳлар тугаб битар эди. Чунки у соҳили йўқ денгиздир" деган гапини келтириш билан кифояланамиз.

варлик, тинчликсеварлик, бағрикенглик, ҳалоллик, атроф-муҳитга гамҳўрлик каби ҳис-туйғу ва фазилатларини ҳам кенг ёйиш ҳамда ривожлантиришга йўл очмоқда. Негаки, бу ноёб мерос ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб оладиган, шахсий камолотдан фозил давлат ва фозил жамият қуришга бўлган ҳамма босқич ва поғоналарда дастуриламал бўладиган бебаҳо хазинадир.

Қўлаб донишларнинг "бир йил илм ўрганган бўлсам, қирк йил одобни ўргандим" деган мазмундаги гапини ҳаммамиз эшитганмиз, ўқиганмиз. Яъни тарбия маъносидеги одоб яхши бўлса, тарбиядан шаклланивчи ахлоқ, дунёқараш, интилишлар эзгу бўлса, илм ривожланиб бораверди.

Шу алломани, Имом Бухорийнинг, бошқа алломаларимизнинг илмий меросини ўз-ўзидан катта бойлик бўлса,

Биз Имом Бухорий мажмуасининг бетакрор меъморий ечимлари, техник сифатлари, бу ердаги меҳмонхоналар, зангори сувли ҳовузлар, азим чинорлар ҳақида тўхталмадик. Илло, қолган таассуротларни зияратга келган киши ўзи кўриб, ҳис қилгани, аңглагани маълум.

Фақат бир жиҳатни таъкидлаб ўта-миз: ривоятларга қўра, Имом Бухорий дафн этилганида, қабридан юқорига нур кўтарилиб, ён-атрофга жуда ёқимли хид таралган экан. Шу даражадаки, одамлар у ердан уйига тупроқ олиб кета бошлаган. Яъни улуг инсонларнинг улғуворлиги вафотидан кейин ҳам муаззамлигича қолаверади. Зотан, Президентимиз томонидан ана шу улуг инсон шарафига бунёд қилинган мажмуа ҳам гоғя улғуворлик касб этганини кўриб, бунга яна бир қарра амин бўлиб турибмиз.

Шовосил ЗИЁДОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар ўтказди.



Семинар

Депутатлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги масъуллари, академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари ҳамда экспертлар иштирок этган ушбу тадбирда маълумланганидек, мамлакатимизда ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш, фуқаролар ҳаёти ҳамда соғлиғи, жисмоний ва юридик шахслар мулкунинг ишончли ҳимоя қилинишига эришиш имкониятини берувчи яхлит ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, ёнғин хавфсизлиги соҳасида комплекс ҳуқуқий, ташкилий ва профилактик чора-тадбирлар ҳамда механизмларни тўлиқ яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кучайтириш зарурати юзасига келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ёнғинларнинг ол-

дини олиш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя қилиш, ёнғин хавфсизлиги бўйича аҳоли ва ташкилотлар масъулиятини янада кучайтириш, ёнғин оқибатида етказиладиган зарарларнинг кафолатли қопланishiга қаратилган. Шунингдек, биноларнинг тоифасидан келиб чиқиб техник талаблар, хусусан, ёнғувчан қурилиш материалларини ишлатишни тақиқлаш ва ёнғин натижасида етказилган зарарни қоплашдан ташқари айбдордан товон ундириш (tort law) институти жорий этиш назарда тутилмоқда.


Лойиҳа билан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари янада аниқлаштирилиб, уларга бир қанча янги ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланмоқда. Бундан ташқари, қонунчиликда "Ёнғин аудити" институтини қўллаш тақлиф этилиб, уни ўтказиш асослари ва тартибига оид қондалар белгилангипти.

қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, уни тақиқ-пухта ҳолатга келтириш ва маромига етказишга хизмат қилади.

Мулоқот якунида қонун лойиҳасини иккинчи ўқашга тайёрлаш ва такомиллигига етказиш бўйича келгусида амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Нодира ЖОНИБЕКОВА, кўмита аъзоси:



— Қонун лойиҳасининг аҳамияти, унда назарда тутилган нормаларнинг мазмун-моҳияти ва долзарблиги, келгусида тартибга солиш таъсири ва шу каби масалаларни мутахассислар иштирокида атрофлича муҳокама этидик. Мунозаралар жараё-

нида ундаги айрим нормалар юзасидан қатор саволларга мутасаддилар ба-тафсил тушунтириш бериб ўтди. Бу, ўз навбатида,

Акс садо

ДАҲЛДОРЛИК ВА МАСЪУЛИК

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим босқичи — давлат бошқарувини маҳаллабай тизимга ўтказиш ва раҳбарларнинг масъулиятини халқ олдидаги ҳисобдорлик асосида белгилаш.

Президентимиз раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимига бағишлаб ўтказилган видеоселектор ййгилиши шунинг кўрсаткичи, эндиликда сон кетидан қувшиш ва "қоғозбозлик" даври ўз ниҳоясига етди. Юртимиз аҳолиси 38 миллиондан ошган, иқтисодий фаоллик кучайган бир даврда давлат идораларининг эскича иш услуби ислохотлар шиддатига соя солмоқда.

Келтирилган рақамлар ҳар биримизни мушоҳадага чорлайди: ҳар ўн минг кишига ўртача 319 та мурожаат тўғри келиши — бу шунчаки статистика эмас, балки жойлардаги муаммоларнинг "ҳарорат ўлчачиги". Тошкент шаҳри, Навоий ва Сурхондарё каби ҳудудларда бу кўрсаткичнинг юқорилиги, айниқса, айрим туманларда мурожаатлар сони 50 фозга ошгани маҳаллий ижро ҳокимияти тизимида "узилишлар" борлигидан далолат беради. Аҳолининг давлатга ишончи эса айнан шу мурожаатларнинг қандай ечим топишига бевосита боғлиқ.

Президентимиз томонидан илгари сурилган "Халқ қабулхоналари — ҳудудий муаммоларни диагностика қилиш маркази" концепцияси бошқарув тизимидеги инқилобий ўзгаришидир. Бу нима дегани? Бу — мурожаатнинг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқарган ижтимоий-иқтисодий илдири билан курашиш демак.

Қарши шаҳри мисолида кўрганммиздек, алимент тўлаб олмаётган юзлаб фуқароларнинг ишсизлиги ёки даромадини яшириши тизимли муаммо бўлиб, уни ҳал этиш учун камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, МИБ ҳамда солиқ идоралари координацияда ишлаши шарт.

Яна бир ориқли нукта — масъулларнинг мурожаатларга юзакли жавоб бериши. Биргина Сергели туманидаги кўприк билан боғлиқ ҳолат тизимдаги "бюрократик қаратил"нинг яққол исботи. Фуқаро мурожаатига икки ой безътибор бўлиб, масала ижтимоий тармоққа чиққанидан кейингина маблағ топилиши, бу — ачинарли ҳол. Бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун Президент Администрацияси ҳузуридаги

Коммуникациялар департаменти томонидан жорий этиладиган давлат идоралари рейтингини энг шаффоф баҳолаш мезони бўлади.

Шунингдек, ижтимоий адолатни таъминлашда "Маҳалла еттичилиги" ва "Рақамли маҳалла" тизимининг интеграция қилиниши коррупция ва танишбилишчиликка чек қўяди. "Ташаббусли бюджет" жараёнларида 2 мингта маҳалланинг бирор марта қатнашмагани бу ўша ердаги раҳбарларнинг ўз халқи дардига бефарқлигидир. Халқ қабулхоналари энди ана шундай "суст" маҳаллаларга лойиҳа қилишда кўмаклашиши, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириши шарт.

Ййгилишда белгиланган вазифалар биз, депутатлар зиммасига ҳам масъулият юклайди. Эндиликда биз нафақат қонун ижод-кори, балки ижро ҳокимияти устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатувчи асосий бўгин сифатида ҳаракат қиламиз. Биринчи навбатда, мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик, мурожаатларни асоссиз равишда пасти бўғинларга қайтарганлик ёки уларга юзакли жавоб берганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича ҳуқуқий механизмларни такомиллаштирамиз.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган янги тизим раҳбарларни "кабинет ва қуруқ ҳисоботлар дунёси"дан реал ҳаётга, маҳалла ичига олиб кирди. Биз, депутатлар, ушбу ислохотларнинг ижросини таъминлашда ҳуқуқий базани мустақамлаш билан бирга, ҳар бир мурожаат ортда инсон тақдирини турганини унутмаган ҳолда фаолият юритамиз. Зотан, давлат идоралари халққа хизмат қилганига, юртимизда адолат ва фаровонлик барқарор бўлади.

Жасурбек ШОДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Жорий йилда Самарқандда дунёга машҳур 5 нафар санъаткорнинг гастролли, шунингдек, 10 та бизнес-форум ва мода фестиваллини ўтказиш режалаштирилган.

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ШЕЪРИЯТ



Шунингдек, Тошкент шаҳридаги Абдулла Орипов хибонада шoirнинг муҳташам хайкали бунёд этилди, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли ҳамда бадиий фильмлар яратилди. Бу эзу ишлар шoir меросини халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилмоқда.

Айни кунларда Абдулла Орипов таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан юртимиз бўйлаб ўтказилаётган кенг қамровли тадбирлар эса унинг ижоди ва шахсиятига юксак эҳтирмнинг амалий ифодаси сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Инсон умри — шомолга тутилган шам каби: бир лаҳзада ёнади, бир лаҳзада сўнади. Аммо инсон қалбидан тутилган сўз, унинг дарди, изтиробини ва орзуларини билан йўрилган ижод замоналар шомолига бўйсунмайдиган абадийликдир. Шу маънода, халқимизнинг сеvimли шoirи Абдулла Орипов номи шу кунларда яна бир бор қалбларимизда янгради. 20 март куни унинг уй-музейи очилиши бир шахс хотирасини ёд эттишдан кўра юксакроқ маъно касб этди: бу миллатнинг ўз руҳига, ўз сўзига, ўз маънавий илдиэларига қайтишидир.

Бир вақтлар ҳаёлимизда "Инсон ўтса, ўй билан кетар файз ҳам" деган мисра айланганди. Бироқ Абдулла Орипов хотирасига кўрсатилаётган бугунги эътибор ва эъзозни кўриб, қалбимизда губорлар тарқайди, кўнглим ёришиди.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни қадрлаш унинг номи ва ҳаётини эслаш билангина чекланмайди. Бу — унинг қалб оламини англаш, эзу ишларини, фикр ва қарашларини давом эттириш, меросини авлодларга бос-бутун қолдириш, уларнинг бу бебаҳо бойлигини ўрганишига шароит

яратиш демакдир. Шундай экан, Абдулла Орипов уй-музейининг очилиши унинг руҳига ҳурмат, хотираси ва меросини мангуликка муҳрлашдир, десак, айни ҳақиқат. Бу масканга қадам қўйган инсон бир уйга эмас, балки вақт ва руҳ оламига кириб боради. Бу ерда деворлар гўё гапирди, сукутнинг ўзи маъно касб этди. Шу даргоҳда сўз туғилган, шеър нафас олган, миллат қалбини силкитган мисралар дунёга келган. Ватан ҳақидаги дардли сатрлар, инсон қадрини улугловчи фикрлар, орият ва ғурурни уйғотувчи оҳанглар айнан шу маконда шаклланган. Шу боис бу уй — фақат манзил эмас, балки маънавийнинг тирик жисми, руҳнинг мангу маскани.

Азълдан донишмандлар ҳаётга фалсафий қараган. Олимлар абадий яшаш борасида не-не изланишлар қилишган. Инсон умрини узайтиришга интилишган. Лекин, айтиш мумкинки, "иккинчи умр" ҳақидаги ғоялар шунчаки хаёлий қараш эмас, бугун реал ҳаётда кўраётганимиз ҳодисадир. Фақат бу умрда инсоннинг хотираси, эзу ишлари, ўзидан қолдирган яхши ном яшайди. Шу маънода, Абдулла Орипов ҳам биз билан бирга умргузаронлик қилаётгандек туюлади. Дарҳақиқат, шoir бугун биз билан сўз орқали мулоқот қилмоқда. Унинг шеърлари ўқилаётган ҳар бир қалбда у яна туғилади, мушоҳада уйғотган фикрда яшайди. Унинг руҳи вақт чегараларини бузиб, халқ руҳи билан уйғун ҳолда яшашда давом этмоқда. Уй-музей эса ана шу абадий мулоқотнинг муқаддас саҳнасига айланади.

Уй-музейни айланар эканман, шoir билан бирга кечган давлар ёдимга тушади. Шукрки, Абдулла Ориповдек улуг инсон билан Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон ижод уйи ҳудудида кўшни бўлиб яшаш, бир мақсад йўлида ҳамкорликда ишлаш насиб этди. Ўртаимизда маънавий яқинлик кучли эди. Бу инсон ён-атрофидаги барча ижодкорлар қатори менга ҳам доим эътиборли эди. Газета ёки журналда бирор шеърим босилса ёки янги китобим нашрдан чиқса, уларга тезда ўз муносабатини билдирар, ютуқларимни эътироф этиш билан бирга, кези келганда камчиликларимни ҳам кўрсатар, уларни тузатиш бўйича йўл-йўриқ беради. Ижодимга бағишлаб, "Сокин теранлик" сарлавҳали мақола ҳам ёзганди. Унда "Ўткр Раҳмат китобларини бошидан охиригача ўқиб чиқсангиз, муаллифнинг бутун борлиги: инсонийлиги, тўғрисиёзлиги,

самимияти, энг муҳими, тоза руҳияти намойён бўлади. Шеърларининг оҳанги, образли қилиб айтсақ, китобхонни саросимага солмайди, унда сохта жунбишлар уйғотмайди", дея катта баҳо бергани менга доим фахр-ифтихор бахш этди.

Миллат ўз буюкларини қандай эсласа, шундай келажақ яратади. Хотира — бу ўтмишнинг сояси эмас, балки келажақнинг илдизидир. Буюк шахслар эса ушбу илдизни мустаҳкамлаб турувчи маънавий устунлардир. Абдулла Орипов ана шундай устунлардан бири — у халқнинг дардини сўзга солган, унинг ориятини шеърга айлантирган, унинг руҳини абадийликка қачирган шoir эди.

Бу қутлуг воқеанинг Наврўз ва Рамазон хайити каби покланиш ва янгилиниш айёмлари билан уйғун келиши ҳам бежиз эмас. Бу — табиат ва руҳ, анъана ва маърифат, ўтмиш ва келажақнинг бир нуқтада туташганини аналтади. Гўё миллат ўзининг маънавий ойнасини яна бир бор артаётгандек, ўз руҳига яна бир бор юзланаётгандек.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган "Жаҳолатга қарши — маъри-

дек меҳрибон, гоҳ дарддек оғир, гоҳ шарфдек улуг тимсолда намойён бўлади.

Масалан, шoirнинг шеърят мухлислари оддий ёқилган "Вафо қилурмисан, баҳорим?" номли шеъри Ватан озодлиги, истиқлоли ҳақидаги дарддан яралган. 1991 йилда, миллат тақдирини ҳал бўлаётган ўтиш палласида ёзилган мазкур асарини оддий табиат манзараси сифатида қабул қилиш — унинг моҳиятини англамаслик билан баробар. Шеърдаги:

"Ёз ўтди, куз ўтди, қиш ўтди, Бошлардан сизовли иш ўтди. Юракка сизирин — ниш ўтди, Вафо қилурмисан, баҳорим!?"

деган мисралар оддий вақт тасвири бўлибгина қолмай, миллатнинг узок ва машаққатли йўлининг рамзий ифодасидир. Бу ерда "қиш" — зулмат, "изгирин" — қалбини яраловчи дард, "сизовли иш" — тарихнинг аччиқ имтиҳонидир. Шoir бу сўзлар орқали бутун бир халқнинг кечмишини, унинг изтироблари ва сабрини бадиий образга айлантиради.

Энг муҳим нуқта эса шoirнинг баҳорга мурожаатида мужассам. "Вафо қилурмисан?" деган ибора табиатга қаратилган илтижодек кўринса-да, аслида тақдирга, тарихга, келажаққа берилган саволдир. Бу — эркинликка, истиқлолга, янги даврга нисбатан қалбдаги иккиланиш, умид ва ҳадиқнинг бир вақтдаги ифодаси.

Бу ерда "баҳор" луғавий маънодан чиқиб, катта фалсафий тимсолга айланган: у — истиқлол, адолат, эзгулик рамзи. Аммо шoirнинг саволи шу рамзининг барқарорлигига қаратилган: бу баҳор ҳақиқатан ҳам вафо қилдими? Ёки у ҳам ўткинчи орзулардан бирига айланиб қолдими?

Шoir қалбидан бу изтироб бежиз эмас. Чунки тарих инсонни қўп алдаган. Қўп марта улуг орзулар саробга айланган, қўп марта "баҳор" деб қутилган даврлар янги "қиш"ларга йўл очган. Шу боис Абдулла Ориповнинг саволида умид билан бирга ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати ҳам мужассам.

Уй-музейдаги ҳар бир экспонат Ватан ҳақида жонли сабоқ беради. Бу ерга келган ёш шунчаки томошабин бўлиб қолмай эл-юрт учун яшаш, халқни севиш, унга бир фарзанд ўлароқ қандай хизмат қилиш кераклиги ҳақида дарс олади. Шу боис бу масканни бемалол ёшлар учун Ватан мактаби, руҳ мактаби деб аташ мумкин. Бу мактабда дарслар сукут билан ўтилади, аммо таъсири бутун умрга етади.

Демак, Абдулла Орипов уй-музейининг очилиши шунчаки маданий воқеа эмас. Бу — миллатнинг ўз миллий адабиётига ҳурмати, шонли ўтмишга садоқати, ўз келажағига ишончидир. Ва энг муҳими, бу — шoirнинг иккинчи эмас, балки мангу умри бошланганидан дарақдир.

Ўткр РАҲМАТ.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙЎНЛАШУВИ

Илм-фан ва инновациялар ривожисиз ҳаётда юксак тараққиётга эришиб бўлмаслиги айни ҳақиқат. Шу маънода, Янги Ўзбекистонда маъмурий ислохотлар доирасида натижадорликка йўналтирилган илм-фан ва инновацион фаолиятда самарали бошқарув тизими яратилди. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигига асосланган инфратузилмани тобора кучайтириш, соҳа иштирокчи субъектлари фаолиятини ислох қилишга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди.

Нуктаи назар

Сўнгги йилларда олий ўқув юртлири 2,5 баробар кўпайиб, уларнинг сони 208 тага етди ва ёшларни қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Шунингдек, 380 дан ортқ олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари (ИТМ)нинг глобал аҳборот макони тегишли ресурслари билан муқассамлашувини таъминлаш натижасида маҳаллий олимларнинг хорижий нашрлардаги ишлари 2,4 баробар оширишга эришилди. Аҳамиятлиси, соҳаларнинг унчи компоненти, яъни ишлаб чиқаришнинг босқичма-босқич юксалиши қайд этилди. Бироқ илм-фан ва инновацион фаолият соҳаси иштирокчиларининг таълим ҳамкорлар билан интеграциялашувининг тегишли аҳборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари ошган бир пайтда соҳа компонентлари — таълим, фан ва ишлаб чиқариш ички интеграциялашувининг суствлиги, маҳаллий илмий-аҳборот инфратузилмаси манбалари субъектларининг тарқоқлиги, аҳборотларнинг қийсий таҳлилидаги рақамлар номуносабибликлари кўзга ташланмоқда.

«Тармоқ — корхона — олийгоҳ» занжири

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш учун бизга юқори малакали муҳандис-технологлар сув билан ҳаводек зарур. Ҳар бир вазир, тармоқ раҳбари, ректор ва профессор ўқитувчи масъулиятни чуқур ҳис қилиб, қаттиқ ишласа, изланса, бунга албатта эришамиз. Муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш «Тармоқ — корхона — олийгоҳ» занжири асосида йўлга қўйилиши бугунги кун талабидир.

Илм-фан ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати узлуқсиз миллий таълим-тарбия тизими ва инсон капиталини юксалтиришга асосланган. Мазкур йўналишни тубдан ислох қилишда инновациялар, янги технологияларнинг ўрни бекиёс. Чунки инновация тарққиётга бошловчи йўл, бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам муаммоларнинг теран ангиланиши тубайли пайдо бўлган, инсон интеллектуал тафаккурида чарчланган ғоядан бошланувчи илмий тадқиқот, янги яратилган ва ҳуқуқий ҳимояланган интеллектуал мулк объекти маҳсули, янгилиниш ҳамда юксалишларни таъминловчи кучдир.

Халқаро таърибага кўра, инновацион жараёнларнинг ривожини институционал интеграциялашган тузилма доирасида амалга оширилади. Бу каби тузилмалар, одатда, Миллий инновацион тизим (МИТ) деб юритилади. МИТ концепциясида илк бор 1990 йил бошларида асос солинган. Мазкур назария иқтисодий ҳамкорликка асосланган бирлаштириш ва ривожлантиришни амалга оширувчи тақлиф бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан ва инновацион фаолият ривожланишини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этишга йўналтирилган амалдаги бошқарув тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, босқичма-босқич ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қолаверса, "минтақавий инновацион тизим" тушунчаси ҳам мавжуд. Бунда ҳудудларда соҳа ва соҳалараро ички ҳамда ташқи



ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятининг ўзаро узвийлигига эришиш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, инновацион, инвестициявий жараёнларни, рақамли ҳамда "ашил" иқтисодиётини жадаллаштириш, яратувчиликни рағбатлантириш билан илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, мавжуд илмий салоҳият, аҳборот-ресурс марказларининг илмий заҳираларидан самарали фойдаланишни таъкил этиш кабилар кўзда тутилди. Қатор илмий изланишларда илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш даставвал ҳар бир объектнинг бир бутунлиги, табиат, жамият ҳамда инсон тафаккуридаги, жумладан, фан, таълим-тарбия, ишлаб чиқариш жараёнидаги тақомиллашуви, уларнинг бир-бирини тўлдирishi, "Устоз — шогирд" тизимига ёндашувида ворисийликдан келиб чиқишига алоҳида ургу берилган.

Самарадорликни ошириш — бугунги кун талаби

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг аҳамиятли омил таълим-тарбия тизимида жисмоний, ахлоқий, маънавий, руҳий фазилатларга эга, соҳа назарий ва амалий билимларини эгаллаган миллий кадрлар тайёрланиши, уларнинг бевосита рақобатдошлик муҳитида шу соҳа амалиёти, яъни ишлаб чиқариш "дошқозони"да шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса илмий-аҳборот инфратузилма манбаларининг "илм-фан — ишлаб чиқариш — инновация"

тамоийли асосида таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги самарали интеграциялашувини, илм-фан ютуқларига асосланган инновацияларнинг шаклланиши "муаммо — илмий гоъ — интеллектуал мулк объекти — стандартлар ва инновация" каби янги ҳаётдаги экомухит занжирининг самарали ишланиши талаб этди. Тараққиётнинг мазкур босқичи юқори малакали олий ва ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш билан бирга, илмий тадқиқот фаолиятини янада тақомиллаштириш, интеллектуал ва моддий ресурсларини иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи йирик илмий-амалий дастурлар ва инновацион лойиҳаларга йўналтиришни кун тартибига қўймоқда. Бу жараёнда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро узвий алоқадорлиги таъминланган энг муҳим зарурат, албатта.

Олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг инновацион ҳамкорлиги доирасида қатор ёндашувларни йўлга қўйиш мақсадида мувофиқ, Хусусан, мутахассислик кафедралари ва илмий лабораториялардан инновацион ғуруҳлар ташкил этиш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида йиллар кесимида янгилиниб борувчи "Соҳа корхона ва ташкилот-бир-бирини тўлдирishi, "Устоз — шогирд" тизимига ёндашувида ворисийликдан келиб чиқишига алоҳида ургу берилган.

Олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг инновацион ҳамкорлиги доирасида қатор ёндашувларни йўлга қўйиш мақсадида мувофиқ, Хусусан, мутахассислик кафедралари ва илмий лабораториялардан инновацион ғуруҳлар ташкил этиш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида йиллар кесимида янгилиниб борувчи "Соҳа корхона ва ташкилот-бир-бирини тўлдирishi, "Устоз — шогирд" тизимига ёндашувида ворисийликдан келиб чиқишига алоҳида ургу берилган.

Шу билан бирга, илмий-амалий анжуманлар, илмий семинарлар ва корпоратив ҳамкорлик тадбирлари орқали "Намунавий мавзулар рўйхати"ни ишлаб чиқиш, мақсадли битирув малакавий ишлари, магистрлик ҳамда докторлик диссертациялари ёки ҳужалик шартномаларининг бажарилишига эришиш ва битирувчи талаба, магистр ёхуд илмий изланувчиларни мос мутахассислик кафедраларига, шу соҳанинг корхона ҳамда ташкилотларига ишга йўлланма асосида юбориш ҳам айни муҳим ёндашувлар сирасига кириди. Қолаверса, корхоналарнинг амалий муаммоларига ечим топиш ва инвестиция-

вий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш бугунги кун талаби, десак, айни ҳақиқат.

Янги ҳаётдаги инновацион яратиш демак

Жойларда соҳа компонентларини ҳолати таҳлилини амалга ошириш, уларнинг ҳамкорликда ишланиши таъминловчи механизмни қўллаш қўйидаги натижаларга олиб келади:

— давлат ва ҳужалик органларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган жамоавий ҳамкорлиги асосида ОТМ, ИТМ ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция кучайтирилади;

— соҳа компонентлари интеграциясида мавжуд муаммолар таҳлили билан боғлиқ амалиёт ҳамда тегишли чора-тадбирлар шаклланади;

— ҳар бир компонентнинг вазифаси, ёндаш соҳалар фани, таълими ва ишлаб чиқариши уйғунлашуви билан ички ва ташқи интеграция кучайди ҳамда инновацион муҳит яратилади;

— таълим узвийлиги ва узлуқсизлиги асосида инсон капиталини ривожлантириш орқали замонавий фан ва ишлаб чиқариш ютуқларини ўз ичига олган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-кўрсатмалар тизимини равишда тайёрланади;

— ОТМ ва ИТМ муассислигидаги илмий журналларни жаҳон етакчи илмий нашрлари даражасига кўтариш ишлари жадаллашади.

Шу билан бирга, бу каби замонавий ёндашувлар соҳалар бўйича "муаммо — илмий гоъ — интеллектуал мулк объекти — стандартлар — инновация" каби кетма-кетликдан иборат инновацион муҳит яратиш орқали мавжуд муаммоларни олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш объектлари ҳамкорлигида ҳал этиш имконини беради.

Ботир УСМОНОВ, Тошкент қимё-технология институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.

Форум АГРАР ТАРМОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда "Италия — Марказий Осиё (С5) + Озарбайжон" бизнес форуми бўлиб ўтмоқда. Унда Италия, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатларидан келган инвесторлар, экспорт-импорт агентликлари раҳбарлари, халқаро экспертлар иштирок этмоқда. "Барқарор агроэкологик инновациялар, регенератив қишлоқ хўжалиги ва рақамлаштириш" деб номланган мазкур анжуманнинг асосий мақсади агар тармоқда барқарор агроэкологик инновацияларни шакллантириш, ресурстежамкор, экологик барқарор ва юқори самарали ишлаб чиқариш борасида ўзаро таъриба алмашишдан иборат.

Сир эмас, дунёдаги бугунги нотинчлик, глобал иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги, тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва озик-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ таҳдидлар агар тармоқ олдида ҳам мутлақо янги вазифаларни қўймоқда. Гарчи Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти, географияси йилдан-йилга ошиб бораётган бўлса-да, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар талай. 2030 йилга бориб юртимизда нафақат ердан сармалани фойдаланиш, балки юқори ҳосилдорлик ва экспорт кўрсаткичлари ҳозирги нисбатан қаррасига ортиси керак. Бунга, албатта, замонавий техника ва технологияларни, инновацион ечимларни, рақамлаштиришга асосланган илгор хорижий таърибадан қўллашдан эришиб бўлмайди. Шу боис мазкур форум Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов таъкидлаганидек, нафақат мулоқот майдони, балки қўша лойиҳалар, илмий ҳамкорлик ва инвестициявий ташаббуслар учун муҳим платформа вазифасини бажармоқда.

Минтақа мамлакатлари билан Италия ўртасида узок муддатли, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, агар тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, агрологистика, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш илмий ҳамкорлик ва академик мобиллик, университетлар келишувлари, генетик ресурсларни асраш, сунъий йўлдош маълумотлари, рақамли мониторинг ва замонавий биллилар трансферига ҳам кенг йўл очади. Буни хорижий экспертлар алоҳида таъкидлашди. Қолаверса, илмий ёндашув ҳамда амалий таърибанинг уй-

ғунлиги қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, сувдан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тақиллаш, биологик хилмаҳилликни сақлаш ва иқлимга мослашувчан ишлаб чиқариш тизимларини яратишда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

— Юртингизга иккинчи келишим, бор-йўғи беш-олти йилда шунча ўзгариш бўлганидан ҳайратланмаслигининг иложи йўқ, — дейди форум иштирокчиси, "Buggatti" фирмаси (Италия) менежери Александр Тукаленко. — Энг муҳими, бу ердаги тинчлик, ошойишталик ва давлатнинг биз-

несни қўллаётгани! Қойил! Ўзбекистонлик банкирлар, молиячилар ва қўллаб-таъриборлар билан гаплашдим, борган сари ҳамкор толишимга ишончим ортмоқда. Қўша корхона ташкил этишни кўзлаётимиз.

Тадбир доирасида иштирокчилар Тошкент вилоятидаги "Agro-Tech" кластери, "Botanik.uz" манзарали дарахтлар ва ўсимликлар кўчатишони ҳамда Италия билан ҳамкорликдаги қуёчилик кластерида ҳам бўлишди. Шу тарика чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, илмий янгилик ва инновацияларни қўллаш жараёни билан яқиндан танишди. Бу ўз-ўзидан келгусида мамлакатимизга хорижий сармоядорларни янада кўпроқ жалб этишга туртки беради.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Дил сўзи ҲАМКОРЛИКДА ХОС ҒАЙРАТ-ШИЖОАТ МУҲИМ

Олтириқ туманининг олис манзиллари сирасига кирувчи Зилол маҳалласида иш бошланганига тўрт йил бўлди. Ҳудудимиздаги ҳар бир оиланинг орзу-мақсади, келажақка интилиши менга бағона эмас.

Яқин йилларга "оғир" ҳудуд тоифасига киритилган маҳалла-мизни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилганмиз. Вазирати ижобий томонга ўзгаришда аввал банк соҳасида ишлаганим жуда асқатди. Шу тарика ижтимоий дафтарлар рўйхатидаги оилаларни тадбиркорликка йўналтириш ва томонқадан унумли фойдаланишга ўргатишга жиддий эътибор қаратилди. Натижада иссиқхона қуриш, узумзорлар барпо этиш, чорвачилик, паррандачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишлари учун имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, ишсиз фуқароларнинг доимий бандлиги таъминланди.

Айни жараёнда 670 та хонадонда истиқомат қилувчи 3 385 нафар аҳоли тўлиқ хатловдан ўтказилиб, ҳар бир оила махсус платформага жойлаштирилди. Ўтган вақт мобайнида "аёллар дафтари" рўйхатида киритилган 25 нафар хотин-қиз "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури орқали ўз бизнесини йўлга қўйди.

Кейинги уч йилда маҳалладаги 250 нафар фуқарога 5,7 млрд сўм кредит берилиб, 450 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, 100 нафар ишсиз ёшга ижара асосида ер ажратилиб, кооперацияга бириктирилиб, ўз навабтида, 55 нафар хотин-қиз ва ёшлар касб-хунарга ўқитилди.

Шу билан бирга, норасмий секторда фаолият олиб бораётган 300 нафардан зиёд фуқаролар "соъдан чиқарилиб, қонуний асосда ишлаши учун қўмақлашилди. Умуман, уч йил мобайнида маҳалламизда 200 нафар-

га яқин тадбиркорлик субъектлари шаклланиб, юқори даромадга эга бўлмоқда. Ана шу тадбиркорлар ёрдами билан маънавий эскирган уйларда яшовчи 33 та оиланинг яшаш шароити яхшилаб берилди.

Иш бошлаган пайтимида маҳаллада бор-йўғи 9 та хонадонда иссиқхона мавжуд эди, ҳозирда уларнинг сони 320 тага яқинлашди. Иссиқхоналарда йилга икки-уч мартаба помидор ва бодиринг еттиштирилиб, тайёр маҳсулотнинг 80 фоизи тадбиркорлар томонидан экспорт, Қозғоғистон ва Қирғиз Республикасига экспорт қилинмоқда. Бундай омилкорлик ҳар бир хонадонга йил мобайнида ўртача 120 — 150 миллион сўм даромад олиш имконини бераётир.

Жорий йилда 3 млрд сўм имтиёзли кредит ажратиш эвазига деҳқончилик кооперацияси ташкил этиш ва 250 та иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда. Бу йил маҳаллада 102 та кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйишга эришиш ҳам устувор вазифаларимиз сирасига киритилган.

Президентимиз фармонида муроғат, 22 март — Маҳалла тизими ходимлари кўни арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Бу айнан ёшликка хос ғайрат-шижоат билан ишлаш учун катта рағбатдир. Боиси ютуқлар бардавомлигини таъминлашда бундай ёндашув жуда ҳам муҳим.

Қиличбек АҲМЕДОВ, Олтириқ туманидаги "Зилол" МФЙ ҳокими ёрдамчиси, «Шуҳрат» медали соҳибни.

ТАБИАТ УЙҒОНИШИ ВА РУҲИЙ ПОКЛАНИШ РАМЗИ



Корақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги «Дўстлик» канали бўйидаги майдонда «Наврўзни улуглаш — инсонни улуглаш!» шиори остида театрлаштирилган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар Наврўз — жамиятда ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустақамлайдиган, қадриятларимизни ўзида мужассам этган, халқимиз орақиб кутадиган байрамлардан бири эканини таъкидлади.

Шарқона янги йил ҳудудда турли соҳаларда улкан зафарлар билан кутиб олингани қайд этилди. Жумладан, миллий меросимизнинг сараланган намунаси бўлган қора уй, шунингдек, кўбиз ясаш ва жировчилик санъати ЮНЕСКО рўйхатига олингани, Нукус сув тозалаш иншоотида реконструкция ишлари бажарилиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминлангани ургуланди.

Ўзбекистонда биринчи марта инвесторлар томонидан Қораўзақ туманида замонавий технологиялар орқали рудани қайта ишлаб, олтин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қораўзақ туманида қуввати 100 мегаватт бўлган лойиҳа доирасида шамол турбина генераторлари қурилмақда. Нукус шаҳрида базальт минералидан иссиқлик сақловчи материал ишлаб чиқарувчи корхона, иссиқлик радиатори тайёрловчи завод, Кегейли туманида паррандачилик комплекси ишга туширилди. Ана шундай эзгу ишлар келгусида ҳам давом эттирилиши таъкидланди.

Санъат усталарининг концерт дастури, амалий санъат ва хунармандчилик буюмлари, китоблар кўргазмалари, миллий ўйинлар ва турли танловлар иштирокчилар ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Анджон вилоятининг Бобур шаҳрида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ўтказилган халқ сайли нафақат байрам, балки миллий руҳ, қадрият ва янгиликни тинч солига айланди. Баҳор нафаси уфуриб турган бу ғўшада табиат уйғониши билан бирга инсонлар қалбида ҳам янгилик кайфият, эзгу орзулар ва пок ниятлар жўш урди.

Сайил майдонига қадам қўйган киши, аввало, дошқозонларда қайнаётган сумалак, янги ёпилган қатлама ва кўк сомсалар исига бир зумда маҳли бўлади. Бу ерда ҳар бир таом нафақат таъми, балки асрлар давомида шакланган миллий анъаналарнинг давоми сифатида намоён бўлди.

Майдонда янраган куй-қўшиқлар эса байрамга янада жон бағишлади. Ҳаваскор жамоалар ижросидаги миллий куйлар, қўшиқлар ва рақслар йилгиликларнинг қалбига илиқлик улашиб, уларни бир максад — байрам шодлигини биргаликда ҳис этишга чорлади. Дорбозлар ўз маҳорати билан томошабинларни ҳайратга солса, полвонлар беллашувлари орқали миллий спорт анъаналари кўрсатилди.

Айни пайтда, сайил ҳудудидаги рассомлар шу гўзал лаҳзаларни ўз асарларида муҳрлашга интилдди. Баҳор ранги, инсонлар чеҳрасидаги қувонч ва миллий муҳит улар чизган суратларда жонланди.

Тадбирда фақат анъаналар эмас, замонавий ёндашувлар, янги гоя ва лойиҳалар ҳам намоён бўлди. Жумладан, «Анджон сув таъминоти» акциядорлик жамияти томонидан тайёрланган ҳавода муаллақ фаввора кўпчиликнинг эътиборини тортиди.

— Ушбу лойиҳа аслида янгилик эмас, — дейди жамият бош муҳандиси Хумоюн Алимов. — Шунчаки, унга баҳорний кайфиятни сингдирган ҳолда меҳмонлар эътиборига ҳавола қилдик. Ушбу фаввора остига 200 литрли сув идиши ўрнатилган бўлиб, сув насос ёрдамида юқорида

хабар олинди. Жумладан, Тойлоқ тумани ҳокимлиги ва жамоатчилик вакиллари Бунёдор маҳалласида яшовчи, бу йил 105 баҳорни кутиб олган, кўп йиллик меҳнати билан эл-юрт ҳурмати қозонган фахрий Хотам бобо Раҳимов хонадониди бўлди.

Улар Хотам бобони Рамазон ҳайити ҳамда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан самимий табриқлади. Куюнчақ отахоннинг узок ва сермазун умри, ҳалол меҳнати ҳамда жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси алоҳида эътироф этилди. Айниқса, 105 ёшга кириб ҳам ҳали бардам бўлиб ҳаёт кечириб келаётган нуронийнинг ҳаётий тажрибаси ёш авлод учун катта ибрат экани таъкидланди.

Хотам бобо кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун эканини билдириб, кексаларга ҳурмат ва эътибор учун ўз миннатдорлигини изхор этди. Юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусофақлиги абадий бўлишини тилаб, дуолар қилди.

Сурхондарё вилоятида Наврўз умумхалқ байрами юксак руҳ ва кенг жамоатчилик иштирокида нишонланди. Асосий байрам Термиз туманининг «Янги Ўзбекистон» массивидаги амфитеатр майдонида ўтказилиб, у ҳақиқий халқ сайлига айланди.

Тадбирда воҳа аҳли билан бир қаторда хорихлик меҳмонлар, жумладан, Тожикистон делегациясининг қатнашиши байрамнинг халқаро дўстлик ва қўшничилик ришталарини мустақамлашдаги аҳамиятини янада намоён этди. Бу эса Марказий Осиёдаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитининг изчил ривожланаётганидан далолат беради.

Байрам ҳудудида миллий урф-одат ва анъаналар жилоланган павильонлар, амалий санъат кўргазмалари, бахшчилик ва фольклор жамоалари чиқишлари, театр томошалари ҳамда миллий таомлар сайиллари уюштирилди. Уларда халқимизнинг бой маданий мероси, меҳмондўстлиги ва ижодий салоҳияти ўз ифодасини топди.

Тадбирда Наврўз асрлар давомида халқимизни бириктириб келатган, инсон қадрини улуглайдиган, меҳр-оқибат ва бағрикенглик гояларини тарғиб этувчи улуг айём экани таъкидланди. Шунингдек, бугунги ислохотлар даврида бундай байрамлар жамиятдаги ижтимоий бирдамликни мустақамлаш, фуқароларнинг эртанги кунга ишончини оширишга хизмат қилаётгани ургуланди.

— Оилам билан байрам сайлига келдик, — дейди ангорлик Дилшод Раҳимов. — Фарзандларимизнинг қувончини кўриб, шукроналик ҳисси янада ортди. Президентимиз Наврўз муносабати билан ўтказилган тад-

бирдаги нутқида эл-юртимизга мурожаат қилиб, «Яхши қўшничилик, аҳиллигимиз ва эзгу ишларимиз билан юксак марраларга интилаётган халқ эканимизни дунёга намоён этиш!» дея даъваткор сўзларни айтгани бежиз эмас. Бугунги тинч ва фаровон ҳаёт, эртанимизнинг янада тўқис бўлиши — юртимиздаги осойишталикка, аҳил-иноқликка, ҳамжиҳатликка боғлиқ.

Сирдарё вилоятида бу йилги Наврўз муҳиятини яна бир ҳайли ва ибратли иш билан бойиди. Асосий тантана бошланиши арафасида Гулистон шаҳридаги истироҳат боғида ўтказилган инклюзив хайрия аукцион байрамга алоҳида шуқуҳ ва мазмун бағишлади.

Айтиш лозимки, аукцион эзгулик ва меҳр-оқибат майдонига айланди. Унда ёш ижодкорларнинг қўл меҳнати ва санъат қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, нуронийлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар ҳолидан

мактаби директори Нигора Маннопова. — Тадбирда вилоятнинг барча ҳудудидан таклиф қилинган нуронийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилгани барчамизни беҳад мамнун этди. Бугун ҳар бир қалбда дорил-амон кунлар шукронаси, яхши ниятлар ва келажақ билан боғлиқ юксак орзулар мужассамлигини кўриш нақадар бахт. Шодон давраларда яйраб рақсга тушаётган йил-йиллар, юздан нур ёрилган отахону онахонларни кўриб, яйраб кетяпман. Юртимиздаги тинч-осойишта ҳаётга асло кўз тегмасин!

Хоразм вилоятида гўзал миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган Наврўзи оламни кўтаринки кайфиятда кутиб олиш учун қизгин тараддуд кўрилди. Барча маҳалларда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт кўчатларини экиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Байрам арафасида вилоятда ўнлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Урганч шаҳри ва туманлар марказларида очилган қишлоқ ҳўжали маҳсулотларининг анъанавий савдо ярмаркалари шаҳарликларнинг байрам дастурхони тўқинлигига хизмат қилди.

Байрам тантаналарининг асосий қисми Урганч шаҳридаги «Ёшлик» мажмуасида бўлиб ўтди. Тадбирда меҳнат фахрийлари, ёшлар, маданият ва санъат намоёндалари, шунингдек, чет эллик меҳмонлар қатнашди. Фольклор-этнографик жамоаларнинг бадиий чиқишлари, дорбоз томошалари, миллий спорт ўйинлари, баҳорий таомлар барчага байрамона кайфият бағишлади.

— Хоразмида ўтказилган Наврўз тантаналари миллиятлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг яна бир ифодаси бўлди, — дейди Республика рус миллий маданий маркази вилоят бўлими раҳбари Татьяна Степанова. — Байрам тадбирида вилоятда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўзларининг миллий санъати, урф-одатлари ва қадриятларини намоён этди.

Улуғ айём кунларида юртдошларимизнинг саховатпешалик ва бир-бирига меҳр-муруват кўрсатиш каби фазилатлари яққол намоён бўлди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, тадбиркорлар байрам муносабати билан хайрия тадбирларини амалга оширди. Эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бор юртдошларимиз ҳолидан хабар олинди, хомийлар томонидан моддий ёрдамлар кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, Наврўз нашидаси ҳар бир хонадонга кириб борди.

Дарҳақиқат, Наврўз — бу шунчаки фасл алмашинуви эмас. У — инсон ва табиат уйғунлигининг, қалб ва маънавий покланганининг, кеча билан эртанинг ўзаро боғлиқлиги рамзидир. Бу айёмда қилинган ҳар бир эзгу амал, айтилган ҳар бир ширин сўз, кўрсатилган ҳар бир меҳр-оқибат келажаққа қўйилган мустақам маънавий пойдевордир.

Рамазон ҳайити билан уйғунлашган бу йилги Наврўз эса халқимизнинг асрлар давомида шакланган бағрикенглиги, саховати ва бирдамлик анъаналарини яна бир бор намоён этди. Энг муҳими, бу кутлуг кунлар ҳар биримизни бир ҳақиқатга — инсонни улуглаш орқали жамиятни юксалтириш мумкинлигига қатъий ишонтирди.

«Халқ сўзи».

Хушхабар

Янги фильм премьераси

Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида Кинематография агентлиги буюртмаси асосида «SHB» студияси томонидан суратга олинган «Осмоли фалакларда: авиапарвознинг ягона қурбони» номли бадиий фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Кинематография агентлиги мутасаддилари, тегишли идоралар вакиллари, киноижодкорлар, санъат фидойилари, кино илҳосмандлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Меҳмонлар дастлаб Ўзбекистон Кино санъати музейи фаолияти билан яқиндан танишиб, миллий кино меросининг бой тарихи ва бугунги тараққиёти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.

Тадбирни Кинематография агентлиги директори Шухрат Ризаев очиб, фильм ҳақида фикр юритди. Шундан сўнг асар ва сценарий муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султонов, режиссёр Жаҳонгир Қосимов сўзга чиқиб, юртимизда кино санъати ривожланаётгани, навбатдаги ушбу фильм ҳам бу йўлдаги ишларнинг манتيқий давоми эканини қайд этди.

Дарҳақиқат, мазкур фильм ўзининг чуқур драматик сюжети, инсон тақдирини, руҳий кечинмалар ва ҳаёт синовлари орқали ёритилган фалсафий мазмуни билан алоҳида ажралиб туради.

Асарда акс этган воқеалар томошабинни теран мушоҳада қилишга ундайди.

Фильмда бош ролларни маҳоратли актёрлар — Юлдуз Ражабова ва Мердан Матвиев ижро қилган бўлиб, уларнинг образлари орқали инсоний туйғулар, фидойилик ва синовларга бардошлилик ёрқин тасвирланган.

Ахамиятлиси, ушбу бадиий асар Наврўз айёми муносабати билан томошабинларга ўзига хос байрам тўхфаси сифатида тақдим қилинди.

«Осмоли фалакларда: авиапарвознинг ягона қурбони» фильми нафақат кино илҳосмандлари, балки кенг жамоатчилик учун ҳам чуқур таъсир юзгувчи, ўйга чорловчи ва илҳом бағишловчи асар сифатида эътироф қилинмоқда.

«Халқ сўзи».

Ҳатайлик меҳмонлар хоразмда

Президентимиз жорий йил январь ойида Туркияга расмий ташрифи чоғида (Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида «Ўзбекистон» тураржой мажмуасининг очилиш маросимида) туркиялик қардошларни, хусусан, Ҳатай аҳолиси вакиллари юртимизга сەҳнат ва Наврўз байрамига таклиф этган эди.

Қардошлик ришталари



Ушбу ташаббус асосида юртимизга ташриф буюрган Ҳатай вилояти вакиллари Урганч халқаро аэропортида халқимизга хос меҳмоннавозлик билан кутиб олинди. Тадбирда вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов иштирок этди.

Меҳмонлар дастлаб Урганч давлат педагогика институтидида Наврўз тантаналарида қатнашди, сўнг куннинг иккинчи ярмида «Арда Хива» халқаро туризм мажмуаси ва Ичан қалъанинг тарихий обидаларида бўлишди.

Одилбек ОДАМБОВ «Халқ сўзи».

Тошкентда 20 — 22 апрель кунлари «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» 6-халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 879 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни оқибат оқиши учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг маълумот берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6